ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ 1

Н.Г.Сидиқов
Алфраганус университети “Бухгалтерия хисоби ва солиқ кафедраси” в.б., доценти
https://doi.org/10.5281/zenodo.15545310

Анотация. *Ўзбекистонда пахта-тўқимачилик кластерларининг пайдо бўлиши, уларнинг ривожланиш босқичлари, пахта хомашёсини етиштиришдан тортиб тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга қадар жараёнлар мутассадди вазирлик ва идоралардан олинган маълумотлар асосида ўрганиб чиқилди. Шунингдек, пахта хомашёсини етиштиришдаги хориж тажрибаларига асосланган ҳолда, маҳаллий пахта хомашёсини етиштирувчилар ва пахтани қайта ишловчи корхоналар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларга ҳам эътибор қаратилди.*

Калит сўзлар: *парадигма, кластер, призма, механизм, мезон, принципиал.*

Аннотация. *На основе информации, полученной от соответствующих министерств и ведомств, изучены становление хлопково-текстильных кластеров в Узбекистане, этапы их развития, процессы от выращивания хлопка-сырца до производства готовой продукции. Также на основе зарубежного опыта выращивания хлопка-сырца было уделено внимание экономическим взаимоотношениям местных хлопкоробов и хлопкоперерабатывающих предприятий.*

Ключевые слова: *парадигма, кластер, призма, механизм, критерия, главный.*

Annotation. *Based on information received from relevant ministries and departments, the formation of cotton-textile clusters in Uzbekistan, stages of development, and processes from the growth of raw cotton to the production of finished products were studied. Also, based on foreign experience in growing raw cotton, attention was paid to the economic relations between local cotton growers and cotton processing enterprises.*

Key words: *paradigm, cluster, prism, mechanism, criteria, principal*

Сўнги йилларада “кластер” атамаси Ўзбекистон республикаси иқтисодиётининг айниқса, пахтачилик, тўқимачилик, ғаллачилик ва бошқа кўплаб тармоқлар ривожланиш истиқболларини муҳокама қилишда энг баҳсли мавзуларидан бирига айланган. Кластер ёндашуви давлат ва минтақавий иқтисодий сиёсатни шакллантиришнинг асосий парадигмалари (илмий, амалий асосланган тизим)дан бири сифатида белгиланган. Кластер ривожланиши назариясининг асосчиси америкалик олим М.Портер бўлиб, унинг хизматлари шундаки, у биринчилардан бўлиб турли мамлакатлардаги 100 дан ортиқ соҳаларнинг иқтисодий манфаатдорлиги, маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги, илмий амалий тажрибаларга таянган ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга эришиш мақсадида ушбу муаммони ўрганган. Майкл Портер назариясига кўра, кластер – бу маълум бир худудда фаолият юритувчи ва бир - бирига боғланган компаниялар (етказиб берувчилар, ишлаб чиқарувчилар, воситачилар) ва тегишли ташкилотлар (илмий муассасалар, давлат идоралари, инфратузилма компаниялари) гуруҳидир. М.Портернинг таъбирича, мамлакатнинг рақобатбардошлиги алоҳида фирмаларнинг эмас, балки халқаро рақобатбардошлиги призмаси орқали кўриб чиқилиши керак. Кластер эса турли соҳалардаги хўжалик субъектларининг бирлашмаси бўлиб, бу кластернинг ички

ресурслардан самарали фойдаланиш қобилияти принципиал аҳамиятга эга. Шунингдек, М.Портер бир тармоқдаги энг халқаро рақобатбардош фирмалар одатда турли ривожланган мамалакатлар бўйлаб тасодифий тарқалиб кетмаслиги, балки бир мамлакатда, баъзан эса хатто мамлакатнинг бир минтақасида тўпланишга мойил эканлигига эътибор қаратади. Бу тасодиф эмас албатта. Бир ёки бир нечта фирма глобал бозорда рақобатбардошликка эришиб, ўз таъсирини ўзининг бевосита муҳитига: етказиб берувчилар, истеъмолчилар ва рақобатчиларга кенгайтиради. Ўз навбатида, атроф-муҳитнинг мувофаққиятлари ушбу компанияларнинг рақобатбардошлигини янада оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Фикримизча, М.Портернинг кластерлар борасидаги илмий изланишлари, олиб борган тажрибалари, кластер атамасини яратилиши ва иқтисодиётга тадбиқ қилиниши, иқтисодий манфаатдорлик ва рақобатбардошлик муҳитини юзага келиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг бир манфаат сари бирлашиши, пировард натижада нафақат бир ҳудудда балки дунё бозорида иқтисодий самарадорликка эришиш бўйича айнан кластер ғоясини яратилишига, ривожланишига туртки берган буюк олим сифатида эътироф этилади. Бироқ, олим томонидан кластер иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари бозор иқтисодиётининг қайси мезонлари бўйича ҳамкорлик қилиши, хуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан бирлашиш механизмлари тўлиқ очиб берилмаган.

Хорижий ва ўзбек иқтисодчи олимларнинг бозор муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги фикрларига ҳамоҳанг бўлган ҳолда фақат бозоргина халқнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини очиб бера олиши, ташаббускорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантира олиши, рағбатлантириши, ишлаб чиқаришни истеъмолчиларнинг манфаатларига бўйсундириш, маҳсулотга бўлган талабни аниқ ҳисобга олиш, конъюнктура ўзгаришларига қараб иш тутиш, хўжалик юритишнинг кучли, оқилона жиҳатларини яратиш, маҳсулот таннарҳини изчил камайтириш борасида интилиш, фан ва техниканинг энг сўнги ютуқларини жорий этишга ундовчи асосий механизм эканлиги жаҳон амалиётида тан олинган. Шунингдек, бир бирига боғланган ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчилар (компаниялар)нинг бир мақсад сари бирлашиши негизида албатта бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларидан бири бўлган нима ишлаб чиқариш, қандай ишлаб чиқариш, ким учун ишлаб чиқариш масаласи ҳар бир ишлаб чиқарувчилар томонидан бозордаги талаб ва таклиф, нарх-наводан келиб чиқиб белгиланиши илмий жиҳатдан ўз тасдиғини топган. Шу сабабли, кластер тизими бозор иқтисодиёти тамойиллари билан қай даражада боғлиқлигини ўрганиш мақсадида айрим пахта тўқимачилик кластерларлари мисолида кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Пахта тўқимачилик кластерларлари бир нечта хўжалик юритувчи субъектларнинг жумладан: уруғ етиштириш, плёнка ишлаб чиқариш (республиканинг айрим вилоятларида), пахта хомашёсини етиштириш, пахтани қайта ишлаш заводи, ип йигирув фабрикаси, тўқимачилик корхонаси, бўёқ корхонаси, тикувчилик ва яна бир қанча хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятидан иборатдир.

Кўплаб мамлакатлар қатори Ўзбекистонда ҳам 15.19.2017 йилдаги ПҚ-3279 - сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сирдарё вилоятида замонавий пахта-тўқимачилик кластерини барпо этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги[1] қарорига мувофиқ

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.19.2017 йилдаги ПҚ-3279 - сонли “Сирдарё вилоятида замонавий пахта-тўқимачилик кластерини барпо этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги[1] қарори

биринчи хорижий компаниялари иштирокида «Bek cluster» МЧЖ ҚК шаклидаги Кластер ташкил этилди.

Қисқа вақт ичида республикамизнинг барча вилоятларида пахта-тўқимачилик кластерларининг пайдо бўлишига хуқуқий асос яратилди. Биринчи жадвалда келтирилган маълумотларга асосан 2023 йил ҳисобига республикамизда фаолият юритаётган 143 та пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан 1 012 587 гектар ер майдонида 3 800 680 тонна пахта хом-ашёси етиштирилди. Биринчи жадвалда келтирилган маълумотларга асосан 2023 йил ҳисобига республикамизда фаолият юритаётган 143 та пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан 1 012 587 гектар ер майдонида 3 800 680 тонна пахта хом-ашёси етиштирилди. Кластерлар ташкил қилингунга қадар пахта хомашё етиштириш ўртача 29 центенерни ташкил этган бўлса 2021 йилда 33 центенер, 2022 йилда 34 центенер 2023 йилда эса 38 центенерни ташкил этганлигини, шунингдек вилоятлар кесимида ўртача уч йиллик кўрсатгич Тошкентда 7 центенер, Сирдарёда 6,2; Сурхандарёда 6,8; Навоийда 6,5 ва Қашқадарё вилоятида 7 центенер ўсиш суръатлари қайд этилганлигини 1- расмдан кўриш мумкин. Кластер тизими жорий қилиниши пахта хом-ашёси етиштиришнинг самарадорлигини ортишига бироз ижобий таъсир кўрсатганлиги статистик маълумотлардан кўриниб турибди. Бироқ, бу натижалар етарли-ми? Пахта

Пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан етиштирилган пахта хомашёси ва хосилдорлик тўғрисида
МАЪЛУМОТ

1-жадвал[2]

Ҳудудлар номи	Кластерлар сони	Ер майдони гектар	2023 йилда етиштирилган пахта хомашёси тонна	Ҳосилдорлик ц/га				
				Ташкил этилгунга қадар	2021 йилда	2022 йилда	2023 йилда	Ўзгариши, фоиз
ЖАМИ	143	1 012 587	3 800 680	29	33	34	38	33%
Қашқадарё	19	133050	471681	26	31	33	35	37%
Навоий	4	28155	109952	29,9	33,8	36,3	39,0	33%
Сурхондарё	12	72270	290284	29,8	35,1	35,4	39,5	34%
Сирдарё	9	77500	300249	28,0	31,5	32,6	38,5	49%
Тошкент	7	70161	273114	29,3	34,5	35,6	38,7	34%
Қолган вилоятлар	92	631451	2 355 400					

хом-ашёсини етиштиришнинг юқори кўрсатгичларига эриша олдик-ми? Пахта хом ашёсини етиштириш ва сотиш жараёнларида бозор муносабатларининг талабларига риоя эта олаяпмиз-ми? Шунингдек, тўқимачилик саноатининг асоси бўлган пахта хомашёсини етиштириш бўйича илмга таяанаяпмиз-ми, замонавий био, нано-техналогияларни жорий қилиш орқали пахта хосилдорлигини ошириш, худудларнинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда ғўзанинг серҳосил, тезпишар, тола сифати юқори ва турли касалликларга бардошли ва экологик тоза навларини ярата олаяпмиз-ми? Бу саволларга жавобан жаҳон амалиётига назар солишимиз ва самарали фойдаланилаётган

[2] Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг статистик маълумоти.

тажрибаларидан фойдаланишимиз айниқса пахта етиштирувчлар ишига аралашишга барҳам бериш ва эркин рақобат муҳитини яратиш бўйича қадам ташлашимиз бу борада қишлоқ хўжалиги соҳасида тубдан ислоҳот ўтказиш чора тадбирларини кўриш, натижасида қишлоқ хўжалиги соҳсида ижобий ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкин.

Бугунги кунда дунёнинг юзга яқин давлатларида пахта хомашёси етиштирилади. Ялпи хосилнинг асосий қисми Хитой, АҚШ, Хиндистон, Покистон, Бразилия, Ўзбекистон ва Туркия давлатлари ҳиссасига тўғри келади. Маълумотларга қараганда, Исроилда ҳар йили ўртача 28 минг гектар майдонда пахта етиштирилиб, бир гектардан олинадиган ўртача даромад 12 минг долларни ташкил этади. Хитой пахта хомашёсини етиштириш бўйича жаҳон мамлакатлари ичида биринчи ўринда туради. Хитойда ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил миқдори жуда баланд. Шинжонликлар бир неча йил аввал бир гектар майдондан 12.6 тоннадан пахта ҳосилини олишиб, расмий рекорд қайд этишган эди. Хитойдан сўнг иккинчи ўринни эгаллаган ҳолда Америкада пахта етишитиришнинг ўзига хос агротехникаси шаклланган. Бу ерда хом ашё етиштирувчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш, уларни зарур техникалар билан таъминлаш, янги навлар яратилишини давлат томонидан рағбатлантириш бўйича жуда кучли тизим шакллантирилган. Мисол учун, АҚШ да пахта етиштирувчи деҳқон ва фермерлар ерни ижарага ёки сотиб олиб пахта етиштириши мумкин. Қолган ишларга давлат умуман аралашмайди. Хом ашёни кимга сотиш ҳам фермерларнинг ўз ихтиёрида. Аксарият фермерлар ўзлари пахта толасини дастлабки қайта ишлаш имконини берадиган кичик заводларни қуриб олишган ёки ҳудуддаги бир неча фермерлар биргаликда шундай корхона барпо этишган. Улар тозаланган толани йирик ишлаб чиқарувчиларга эркин нархда пуллайди. Бу билан мамлакатда кўплаб текстиль корхоналарининг бир маромда ишлашини таъминлайди. Шу боис, давлат хом ашё етиштирувчиларни ҳар тамонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади. Мисол учун, пахта етиштирувчи фермерларга катта миқдорда субсидиялар, узоқ муддатли кредитлар ажратилади. Зарур техникалар қулай шартларда етказиб берилади.

Бу холат, узоқ асрлик пахта етиштириш тарихига эга бўлган Ўзбекистонда, пахтадан олинадиган хосилдорлик хажмидан тортиб оладиган даромадигача жуда паст кўрсатгичга эга. Хозирда, Ўзбекистонда пахтадан бир гектар ердан бор - йўғи 300 (уч юз) АҚШ доллари эквивалентига тенг миқдорда даромад олинади. 2-жадвалда 1 га майдонда пахта хом-ашёсини етиштириш учун харажатларнинг хисоб - китоби ўрганилганда 2022 йилда ҳосилдорлик 35,5 центнер яъни 3,5 тоннани, рентабеллик 8,4% ни; 2023 йилда 40,0 центнер ёки 4,0 тоннани, рентабеллик 5,1% ни; 2024 йилда эса 32,2 центнер ёки 3,2 тонна пахта хом-ашёси етиштирилиб, рентабеллик 5,1 % ни ташкил этган. Рентабеллик юқори бўлган давр учун харажатлар таркиби таҳлил қилинганда 2022 йилда 3,5 тонна пахта етиштириш учун 28 948 минг сўм харажат қилинган. Шундан: иш хақи учун 12 495 минг сўмни ёки жами харажатга нисбатан 43,8 %; минерал ўғитлар харажати жами 3936 минг сўмни ташкил қилган ҳолда жами харажатлар таркибида 13,8; ўсимликларни химоя қилиш, агрокимёвий хизматлар харажати 1 555 минг сўмни ёки 5,4 % ни ташкил қилган. Шунингдек, харажатлар таркибида механизация хизмати 2 765 минг сўмни ёки жами харажатга нисбатан 9,7 % ни ёқилғи маҳсулотлари эса 2 445 минг сўмни ёки 8,6 фоизни ташкил этган. Жами харажатлар умумлаштирилганда 1 тонна пахтанинг таннархи 8 142 000 сўмни ёки 1 гектар ер майдонида етиштирилган 3,5 тонна пахта хосилининг таннархи 28 498 минг сўмни ташкил этмоқда. Пахта хом-ашёсини сотиш нархи 2022 йилда 2023, 2024 йилга нисбатан юқори нархда яъни 8 830 минг сўмда сотилган. Ўрганилаётган йилда етиштирилган пахта 30 905 минг сўмга сотилиб, 1 гектар ер майдонидан 4,0 тонна пахта

етиштириш юқори хосилдорлик деб қаралганда олинадиган соф фойда 2 407 минг сўмни ташкил этмоқда.

“А” фермер хўжалигида 2022- 2024 йилларда 1 га майдонда пахта хомашёсини етиштириш учун сарфланган харажатлар ҲИСОБ-КИТОБИ

2-жадвал[3]

Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Йиллар		
		2022 й.	2023 й.	2024 й.
Экин майдони	га	1	1	1
Ҳосилдорлик	ц/га	35,5	40,0	32,4
Ялпи ишлаб чиқариш	тн	3,5	4,0	3,2
Жами харажатлар:	минг.сўм	28 498	27 618	23 272
шу жумладан:				
Иш ҳақи, ажратмалари билан (қўлда бажариладиган ишлар учун)	минг сўм	12 495	11209	8 962
Минерал ўғитлар харажати, жами	минг сўм	3 936	4 016	3 245
Ўсимликларни ҳимоя қилиш, агрокимёвий хизматлар харажати	минг сўм	1 555	1 256	976
Уруғлик қиймати	минг сўм	643	888	965
Механизация хизмати	минг сўм	2 765	1 966	2 054
ЁММ қиймати	минг сўм	2 445	2 807	2 515
СИУ хизматлари	минг сўм	70	70	70
Ягона ер солиғи	минг сўм	350	370	325
Сув солиғи (6400 куб	минг сўм	265	266	501
ҚҚС	минг сўм	2 234	2 242	1 664
Бошқа харажатлар	минг сўм	1 740	2 529	1 994
Пул даромади	минг сўм	30 905	29 032	24 477
Фойда	минг сўм	2 407	1 414	1 205
Рентабеллик даражаси	%	8,4	5,1	5,2
Бир тонна маҳсулотнинг таннархи	минг сўм	8 142	6 905	7 272
Бир тоннани сотиш баҳоси	минг сўм	8830	7258	7649

Демак, фермер хўжалиги ўртача 50 гектар ерда пахта етиштириш билан шуғулланган тақдирда оладиган даромади 120 350 минг сўмни ташкил этади. Хўш, бу рақам 9 ой бир фермер хўжалиги томонидан қилинган меҳнат учун етарлими?

Фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни

[3] “А” фермер хўжалигида 2022-2024 йилларда 1 га майдонда пахта хомашёсини етиштириш учун сарфланган харажатлар хисоб китоби.

тадбиқ этиш каби соҳаларга эътибор қарата оладими? Йўқ албатта. Фикримизча, пахта хом-ашёсини етиштиришдаги йилдан йилга ошиб бораётган харажатлар таркибидаги минерал ўғитлар, ёқилғи мойлаш механизмлари ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилиш, агрокимёвий препаратлар нархларини хукумат томонидан тартибга солиш (жиловлаш) орқали валюта тушумининг манбаи бўлган пахта етиштиришни ривожлантириш бўйича хориж тажрибаларидан фойдаланиш орқали пахта хомашёсини етиштиришда самарадорликка эришиш мумкин.

Пахта-тўқимачилик кластерларининг шаклланиши, ривожланишининг назарий, иқтисодий ва хуқуқий асосларини ўрганиш натижасида қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди.

биринчидан, пахта хом-ашёсини етиштиришдаги харажатлар таркибидаги минерал ўғитлар, ёқилғи мойлаш механизмлари ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилиш каби харажатларни давлат томонидан молиялаштириш механизмларини жорий этиш;

иккинчидан, фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатларини янада кучайтириш, уларнинг ваколатларини кенгайтириш, энг асосийси, соҳага илм-фан ютуқлари ва энг замонавий агротехнологияларни жорий қилиш имконини яратиш;

учинчидан, фермерлар бир йўналиш билан чегараланиб қолмаслиги, улар бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, қўшимча тармоқларни ишга тушириш, қишлоққа саноатни олиб кириш, етиштирган маҳсулотни фермерлар корпорацияси тузган ҳолда биргаликда шу ернинг ўзида қайта ишлашни йўлга қўйиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш.